



Global Support Local Knowledge

№ 50/16-Н
«24» феврал 2017 й.

NAZORAT-AUDIT AUDITING COMPANY

«Косонсой пахта тозалаш» АЖ раҳбариятига
Косонсой тумани, Гурмирон кншлоғи, СТР
200074433.

Ижобий Аудиторлик Хулосаси

Маъсулияти Чекланган Жамият шаклидаги «NAZORAT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти томонидан «Косонсой пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 1 январидан 2016 йил 31 декабрига қадар бўлган даври учун тузилган қуйидаги таркибдаги молиявий ҳисоботи текширилди:

- Бухгалтерия баланси - 1-шакл;
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот - 2-шакл;
- Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот-4-шакл
- Ўз сармоясига тўғрисидаги ҳисобот-5-шакл

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади. Аудиторлик ташкилоти мазкур молиявий ҳисобот бўйича ўз хулосаси учун жавоб беради.

Биз аудиторлик текширувини АФМАга мувофиқ ўтказдик. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз мумкинлигини такозо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг конун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект- «Косонсой пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2016 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг конун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ келади.

МЧЖ шаклидаги «NAZORAT AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори:

Аудитор:



Назаров Б.Н.

(2014 йил 26 апрель куни Молия Вазирлиги
томонидан берилган 05207-сонли сертификат.)

Зириязев Ч.

(2016 йил 26 март куни Молия Вазирлиги
томонидан берилган 05375-сонли сертификат.)